

## **Матбуот хизматининг вазифа ва функциялари**

### **1. Қуйидагилар хизматнинг асосий вазифалари ҳисобланади:**

Вазир томонидан белгиладиган ахборот сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишда қатнашиш;

оммавий ахборот воситаларида (кейинги ўринларда - ОАВ) вазирлик фаолиятига оид эълон қилиб борилаётган маълумотлар мониторингини олиб бориш;

вазирликнинг ҳудудий бошқармалари ва таркибий тузилмалари фаолиятини ОАВда ёритиш ишларини мувофиқлаштириш.

вазирлик фаолияти тўғрисида оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар, вазирлик расмий веб-сайти, шунингдек, бошқа ахборот ресурслари орқали, шу жумладан, матбуот анжуманлари, брифинглар, медиатурлар ташкил этиш йўли билан аҳолига мунтазам, тўлиқ ва тезкор равишда ахборот тақдим этиб бориш;

Ахборот сиёсати соҳасида зиммасига юкланган вазифаларни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги билан самарали амалий ҳамкорликни йўлга қўйиш;

оммавий ахборот воситалари билан самарали ҳамкорлик қилиш, хизмат билан доимий ишловчи журналистлар ва блогерлар доирасида тезкор маълумотларни тарқатиш, шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини муҳокама қилишда кенг аҳоли қатламларининг иштирокини таъминлаш мақсадида экспертлар гуруҳини шакллантириш;

мунтазам равишда оммавий ахборот воситаларида раҳбарият чиқишларини ташкил этиш;

ахборот макони мониторингини олиб бориш ва таҳлил қилиш, танқидий ва кенг муҳокама қилинаётган ахборот хуружларига тезкор муносабат билдириш, оммавий воситалари ва Интернет тармоғида вазирлик фаолиятига тегишли ахборотларни тарқатиш бўйича ишларни ташкил этиш.

### **2. Қуйидагилар Матбуот хизматининг асосий функциялари ҳисобланади:**

вазирлик фаолиятига оид босма материалларни миллий ва хориж матбуотида ёритиш, теле- ва радио дастурлар тайёрлаш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, давлат бошқаруви органлари ахборот хизматлари ҳамда ОАВ билан самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш;

вазирлик раҳбарияти ва ходимларининг ОАВ вакиллари билан матбуот конференциялари, брифинг ҳамда бошқа учрашувларини ташкил этиш;

давлат органлари ва ташкилотлари билан ҳамкорликда маҳаллий ва хорижий ОАВ орқали тарқатиш учун хабар, маълумот шарҳ ва бошқа ахборот таҳлилий материаллар тайёрлаш;

вазирлик фаолиятини хорижий ОАВда сифатли ёритиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг хорижий мамлакатлардаги ваколатхонларини, шунингдек, хорижий мамлакатларнинг Ўзбекистондаги дипломатик ваколатхоналарини ахборот материаллари (фото, аудио ва видео, босма маҳсулотлар ва ҳ.к.) билан таъминлаш;

вазирлик фаолият соҳасига оид матнли, фото, аудио ва видеоматериаллар базасини шакллантириш ҳамда юритиш;

фавқулодда вазият содир бўлган ҳудуддан интервью, репортаж ташкил қилиш ва тайёрлаш;

ОАВ ва журналистларининг сўрови асосида уларга оғзаки ва ёзма шаклда (шу жумладан, электрон ҳужжат тартибида) ахборот тақдим этиш;

Матбуот хизмати олдида турган вазифаларни самарали ҳал этиш учун зарур бўлган ахборотни, вазирликнинг бошқа тузилмалари билан ўзаро ҳамкорликда тўплаш ва уларни пухта ишлаш;

вазирлик томонидан ўтказиладиган расмий тадбирлар тўғрисида тайёрланган лавҳа ва роликларнинг монтаж жараёнларида иштирок этиш, шунингдек, мазкур материалларни ўрнатилган тартибда архивлашни таъминлаш;

вазирлик фаолиятига оид материалларни тайёрлашда миллий ва хорижий ахборот агентликлари, шу билан бирга, ОАВнинг оммавий талаб ва аризаларини кўриб чиқади.

ахборот майдони мониторингини олиб бориш ва таҳлил қилиш, уларга муносабат билдиришнинг турлари, усуллари ва даражаси бўйича экспертлар билан биргаликда таклифлар тайёрлаш, ОАВ, шу жумладан, интернет тармоғида материаллар тарқатиш бўйича комплекс ишларни ташкил этиш;

ОАВ ҳамда интернет тармоғида вазирлик фаолияти ва шаънига путур етказувчи ахборотлар қайд этилганда, уларга холис ва адолатли муносабат билдириш;

вазирлик ҳудудий бошқармаларининг Ахборот бўлимлари томонидан ОАВда ёритиш бўйича режаларнинг (медиа-режа) ишлаб чиқилиши ва унинг бажарилишини назорат қилади;

ҳудудий Ахборот бўлимларига ОАВ билан ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича методик кўрсатмалар беришда амалий ёрдам кўрсатади ҳамда улар томонидан амалга оширилган ишлар бўйича ҳисоботларни жамлайди, умумлаштиради ва таҳлил қилади.